

Фикҳ дарслари (68-дарс). Фикҳий мазҳаблар



15:44 / 16.01.2020 5491

Ўша даврда фикҳ уламоларидан кўплаб фақиҳлар етишиб чиққан. Уларнинг кўпчилиги ўзлари дунёдан ўтишлари билан фикҳий илмий ишлари ҳам мерос бўлиб қолиб кетган. Улардан мусулмонлар оммасига кенг тарқалган, шогирдлари ва эргашувчилари кўп бўлган уламолар «фикҳий мазҳаб соҳиблари» деб тан олинган.

Шулардан тўртталари бутун дунёга машҳур бўлганлар ва уларнинг мазҳаблари мусулмонлар жумҳури томонидан «расмий фикҳий мазҳаблар» дея тан олинган. Булар қуйидаги мазҳаблар:

1. Ҳанафий мазҳаби.

Шом, Туркия, Туркистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа юртларда кенг тарқалган.

2. Шофеъий мазҳаби.

Миср, Сурия, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Тайланд ва Африканинг баъзи давлатларида тарқалган.

3. Моликий мазҳаби.

Либия, Тунис, Жазоир, Мағриб, Мавритания, Нигерия ва Африканинг баъзи давлатларида тарқалган.

4. Ҳанбалий мазҳаби.

Арабистон ярим оролида тарқалган.

«Кифоя» китобининг 1-жузидан